



ТОШКЕНТ БАРЧА СОҲАЛАРДА НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан танишди.

Тошкент шаҳрининг 2018-2019 йиллардаги инвестиция салоҳиятига оид маълумотларга кўра, икки йилда пойтахтда 417 та лойиҳа амалга ошириш ва бунинг натижасида 25 мингдан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилган. Уларнинг 264 таси саноат, 153 таси хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлидир. Жорий йилнинг 9 ойида жами лойиҳалар учун 257,5 миллион доллар ҳажмдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

2019 йилда 1 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига 181 та лойиҳани ҳаёtgа татбиқ этиш мўлжалланган. Жумладан, Юнусобод туманида 38 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг иқтисодий имкониятлари кенглиги, пойтахтимиз барча соҳада намуна бўлиши кераклигини таъкидлади. Лойиҳаларнинг кафолати, самаралари билан қизиқди. Мутасаддиларга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш, янги корхоналар ташкил этиш ва солиқ тушумини кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президентимиз Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқич қурилишини кўздан кечирди. Тошкент шаҳрида аҳоли учун қўлай шароит яратиш, сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш қамровини кенгайтириш ва метрополитен хизматини янада ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши қизғин давом этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 9 февраль куни Юнусобод туманида бўлиб, метрополитен қурилиши билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бунёдкорлик ишларининг боришини кўздан кечирди, қурувчилар билан мулоқотда бўлди. Тошкент метрополитени 40 йилдан кўпроқ тарихга эга. Метрополитен йўловчи ташинишда қўлайлиги ва хавфсизлиги нуктаи назардан энг самарали транспорт воситаси ҳисобланади.

Юнусобод йўналишида қурилатган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, 2019 йилда фойдаланишга топшириши мўлжалланган. «Туркистон» ва «Юнусобод» янги метро бекатларидан иборат.

Энг асосий масала пойтахтимиз кўчаларидаги тирбандликнинг олдини олиш. Бунда метро энг қўлай воситадир, деди Шавкат Мирзиёев. Бунёдкорлик ишлари бундан кейин ҳам тизимли давом эттирилади.

Айни пайтда ушбу бекатлар ҳамда улар оралиғида туннель қазिश ишлари олиб боришмоқда.

Ушбу туннельни ёпиқ усулда қазिश учун Германиядан «Herrenknecht» компаниясининг механизациялашган мажмуаси келтирилди. Бу улкан техника май-сентябрь ойлари давомида йиғилди. Соҳа мутахассислари Германияда малака ошириб қайтди. «Кўприк қурилиш» трести унитар корхонаси томонидан туннель деворларини мустаҳкамловчи тобинлар ишлаб чиқариш чеҳи ишга туширилди.

Мажмуа бир суткада 12 метр қазих ва 8 та ҳалқа ўрнатиш имкониятига эга. Бугунги кунга 350 та ҳалқани етарли конструкциялар захираси яратилган.

Президентимиз ушбу мажмуани кўздан кечирди. Мутасаддиларга метро бекатларининг қурилиши ва инфратузилмаси бўйича тавсиялар берди.

Транспорт коммуникацияларини қуришда шаҳарнинг келгуси ривожини ҳисобга олиш, ҳамма учун қўлай бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жойларга ташрифи чоғида ёш авлод тарбиясининг бирламчи ва муҳим бўлини сифатида мактабга таълим тизимини юксалтириш, боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни моҳир педагоглар билан таъминлаш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мактабга таълим тизимини такомиллаштириш борасида Юнусобод туманида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Боғишмаюл маҳалласида жойлашган «Севиш» номли 74-мактабга таълим муассасаси болалар учун ҳақиқий ор-

зулар масканига айланди. Муассаса жорий йилда тубдан таъмирланиб, Президентимиз ташрифи арафасида фойдаланишга топширилди.

275 ўринли муассаса инновацион технологиялар асосида жиҳозланган ва мамлакатимиздаги илк «ақлли боғча» ҳисобланади. Бу ерда болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат ускунаси, ҳар бир хонага домофон ўрнатилган. Ота-оналар фарзанди қайси гуруҳда бўлса, шу хонани боғловчи тугмани босгандан сўнг тарбиячи болани олиб чиқиш беради. Бинога кириверишда қўйилган таблодан боланинг ўз гуруҳига кирганини кўриш, гуруҳлардаги машғулотларни онлайн кузатиш мумкин.

Зина ва хоналарга ишланган рангли белгилар, тафаккурга ундовчи расмлар болаларни ранг билиш, санашга ўргатади. Йўл кўрсатувчи рангли чизиклар орқали кичкинтойлар ўз гуруҳини қийналмасдан топиб боради.

Машғулот хоналарида «Илк қадам» дастури асосида ишлаб чиқилган мультимедиа тажриба-синов дастурига эга мониторинг ўрнатилган. Бу дастурдаги турли соҳаларга оид суратлар, интерфол ўйинлар ёрдамида болаларнинг билим ва кўникмаси шакллантирилади. Ақлий вазирлиги бююртмаси асосида «Sotol systems» компаниясида ишлаб чиқилган ушбу дастур онлайн тарзда ишлайди. Уни ота-оналар ҳам уяли телефонига юклаб олиб, уйда телевизор орқали фарзандларини шугуллантириши мумкин.

Давлатимиз раҳбари боғчада яратилган шароитлар билан танишди, тарбиячилар билан мулоқот қилди.

Болаларимизнинг маънавияти, билими, соғлиги биз учун энг муҳим масала. Шунинг учун давлат томонидан мактабга таълимга катта эътибор бериляпти ва бу ҳали бошланиши. Сизларнинг вазифангиз болаларнинг кўзидаги нурни илғаб олиш, уларга яхши тарбия бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳридаги мактабга таълим муассасаларининг ҳолати ва уларни ривожлантиришга оид лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз бу борадаги тақлифларни маъқуллаб, давлат-хусусий шериклик асосида янги боғчалар қуриш, болаларни қамраб олишни кенгайтириш ва келгусида юз фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Жанубий Кореянинг Пучон университети раҳбарлари билан видео-конференция орқали мулоқот қилинди.

Президентимиз боғча тарбияланувчиларига соғалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Business city» — «Юнусобод» замонавий ишбилармонлик маркази лойиҳаси билан танишди. Пойтахтимиз улкан бунёдкорлик лойиҳалари эвазига кун сайин гўзал қиёфа касб этиб бормоқда. Янги-янги аҳоли массивлари, муҳташам кўприklar, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иншоотлар шаҳарни нафақат архитектуравий жиҳатдан, балки яшаш ва дам олиш, бизнес юритиш шароитларига кўра қўлай мегаполисга айлантирмоқда.

Узоққа бормайлик, шаҳарнинг қоқ марказида қад ростлаётган «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик маркази қурилиш бобидаги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ерда замонавий технологиялар ва меъморлик андозалари асосида тикланаётган осмонўпар иморатлар Тошкентга дунёнинг шаҳарсозлик соҳасидаги диққатга сазовор марказларидан бири мақомини олиш имконини беради.

Тараққиётнинг бугунги суръатлари, аҳолининг яхши яшашга бўлган эҳтиёжи, жаҳондаги ўзгаришлар кўламини ҳисобга олган ҳолда пойтахтимизда бир неча замонавий ишбилармонлик марказлари қад ростламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 августдаги Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мурофиқ, Юнусобод туманининг Отчопар — 2 маҳалласи ҳудудида қуриладиган «Business city» — «Юнусобод» замонавий ишбилармонлик маркази уларнинг навбатдагиси бўлади.

Ушбу замонавий ишбилармонлик марказидан кўп қаватли турар жой мажмуалари, бизнес-офислар, савдо-кўнгулчор масканлар, меҳмонхоналардан иборат кўп тармоқли мажмуалар, сайлгоҳлар, ижтимоий объектлар,

тиббий-соғломлаштириш марказлари ўрин олади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг қиймати 500 миллион доллар бўлиб, 2019-2023 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари янги ишбилармонлик маркази қурилишида рельефдан оқилона фойдаланиш, дунё шаҳарлари тажрибасини ўрганиш зарурлигини қайд этди. Уни барпо этишга хорижий инвесторлар, тажрибали лойиҳачи ва қурувчиларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйлارни бошқариш бўйича тақлифлар тақдими ўтказилди. У професионал сервис компаниялари ташкил этиш орқали кўп қаватли уйлارга хизмат кўрсатишни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз туманда ушбу тизимни жорий мавсумдаёқ татбиқ этиш, ҳар бир кўп қаватли уйнинг эгасини топиш, уларга имтиёзлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Инновацион, илмий ва ташкилий ишларни бирлаштириб, баравар олиб бормасак, бу соҳа эскича ҳолда қолаверади. Коммунал хизматлар хусусий корхоналар томонидан амалга оширилмаса, сифат бўлмайдми. Сифат бўлмагандан кейин тўлов ҳам барқарор бўлмайдми. Бу соҳада хизматни, ҳисоб-китобни жойига қўйсак, вазият ўзгаради, одамлар рози бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари «Амилов» қандалот маҳсулотлари фабрикаси фаолияти билан танишди.

Собиқ «Лок-бўёқ» заводи ўрнида ташкил этилган «Амилов» фабрикаси жорий йил 5 октябрда ишга туширилди. Корхона майдони 32 гектар бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари, ишлаб чиқариш ускуналари учун қарийб 80 миллион доллар сарфланди. Германия, Швейцария, Дания, Италия, Австрия ва Голландиядан технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 850 га яқин иш ўрни яратилди.

Корхона йилига 50 минг тоннага яқин қандалот маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда бу ерда шоколад, конфет, печенье, вафли каби 60 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Бундай ширинликлар шу пайтгача асосан импорт қилинарди. «Амилов» фабрикасида тайёрланаётган қандалот маҳсулотлари чет элликка нисбатан арзон ва сифатли бўлгани боис ички бозорда тез харидорини топди. Натижада бундай маҳсулотлар импортини 40 фоиз қисқартиришга эришилди. Қолаверса, корхона йилига 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган.

Давлатимиз раҳбари фабриканинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш, бундай корхоналарни кўпайтириб, рақобатни ривожлантириш, импорт бўлаётган бошқа маҳсулотларни ҳам маҳаллийлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзэкспомарказ»да Тошкент шаҳри ва Юнусобод тумани ҳокимлари, мутасаддилар ва секторлар раҳбарлари, маҳалла раислари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Унда Юнусобод туманини иқтисодий ривожлантириш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2019 йилда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши мўлжалланган 38 та лойиҳанинг ҳар бири бўйича ташаббускорлар ва манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда «Йўл хариталари ишлаб чиқиш зарурлиги» таъкидланди.

Хатловда аниқланган 332 та фойдаланилмаётган объект ва ер майдонларида янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, бюджетга тушумлари кўпайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ижтимоий долзарб масалаларни ҳал қилиш, уй-жой фондини ривожлантириш, коммунал хизматларни яхшилаш, объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА мухбирлари.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2018»



Бугун ва эртага пойтахтда

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи» танловининг республика босқичи бўлиб ўтади

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови 2008 йилдан буён ўтказиб келинади. Шу кунга қадар мазкур танловда 20 мингга яқин йигит-қиз иштирок этиб, ўз билиммини синовдан ўтказган. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, ўтган йиллар мобайнида танловда қатнашганлар орасидан партия етакчилари, депутатлар, турли даражадаги сиёсий лидерлар етишиб чиқди. Бугун улар ҳудудларда фаолият юритиб келмоқда.

Кеча кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари, 14 нафар голиби ҳамда қанот етакчилари пойтахтимизга етиб келишди. Улар дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлишди. У ерда парламент аъзолари билан давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга оширилиши замирида йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббускор, шиқоатли авлодни вояга етказиш каби эзгу мақсадлар муҳассамлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, ёшлар парламентнинг қўйи палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси фаолияти билан яқиндан танишди. Давра суҳбати жонли ва очик муҳокамалар асосида ташкил этилди. Қонун ижодкорлиги ҳамда қўмиталардаги иш жараёни, парламент назорати ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Эслатиб ўтамиз, танлов Ёшлик талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлар» марказида бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ

Юнусобод тумани: Иқтисодий барқарор, обод манзилга айланади

Президентимиз ўтган ҳафтада пойтахтимизнинг Юнусобод туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар билан танишди. Сўнгра «Ўзэкспомарказ»да Тошкент шаҳри ва Юнусобод тумани ҳокимлари, мутасаддилар, секторлар раҳбарлари,

маҳалла раислари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда Юнусобод туманини иқтисодий ривожлантириш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий ҳолатни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Давоми 2-бетда. ►



Азиз САНЖАР:

АМЕРИКАГА ЎЗИМ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ ОЛИБ КЕТАМАН

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2018 йил 28 апрель сонидида «Ўзбекистонни кўриш Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжарнинг 40 йиллик орузи» сарлавҳали интервью эълон қилинган эди. Суҳбатда жаҳонга машҳур аллома қуйидаги фикрларни илгари сурган эди: «Бугунги кунда Ўзбекистон

фани ва маданиятининг шонли анъаналарини тиклаш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш учун Президент Шавкат Мирзиёев томонидан катта қучайрат сарфланаётгани мени жуда қувонтиради».

Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Авазжон Мараҳимов ташаббуси

билан АҚШнинг Шимолий Каролина университети профессори, Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжар мамлакатимизга ташриф буюрди. Унинг иштирокида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Таниқли олимга ЎЗМУ фахрий доктори унвони берилди.

Давоми 4-бетда. ►

ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОР, ОБОД МАНЗИЛГА АЙЛАНАДИ

2019 йилда sanoat va xizmat kўrsatish soxalarida 38 loyixaning har biri bўyicha tashabbuskorlar hamda manbalarni aniq kўrsatgan holda «yўl xaritalari» ishlab chiqish zarurligi ta'kidlandi. Ijtimoiy dolzarb masalalarni hal qiliش, uy-joy fondini rivojlantirish, kommunal xizmatlarni yaxshilash, ob'ektlarni kuз-qiш mavsumiga tayёрlash borasidagi vazifalar alohida qayd etildi.

Нигора ЭШМЕТОВА,

халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи
аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари туманимизга ташрифи чоғида Тошкент шаҳрининг иқтисодий имкониятлари кенглиги, пойтахтимиз барча соҳада намуна бўлиши кераклигини таъкидлади. Лойиҳаларнинг кафолати, самаралари билан қизиқди. Мутасаддиларга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажми янада ошириш, янги корхоналар ташкил этиш ва солиқ тушумини кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Олиб борилаётган ислохотлар аҳоли манфаатларига хизмат қилиши билан бир қаторда, юртимиз кўрқига-кўрк қўшмоқда. Янги аҳоли массивлари, муқташам кўприклар, ижтимоий соҳа об'ектлари ва бошқа иншоотлар шаҳарни нафакат архитектуравий жиҳатдан, балки яшаш, дам олиш ҳамда бизнес юритиш шароитлариға кўра қўлай мегаполисга айлантирмоқда.

Юнусобод туманининг Отчопар-2 маҳалласида қуриладиган «Business city» — «Юнусобод» замонавий ишбилармонлик маркази уларнинг навбатдагиси бўлади. Ушбу марказдан кўп қаватли турар-joy мажмуалари, бизнес-офислар, савдо-кўнгилочар масканлар, меҳмонхоналардан иборат кўп тармоқли мажмуалар, сайлгоҳлар, ижтимоий об'ектлар, тиббий-соғломлаштириш марказлари ўрин олади.

Давлатимиз раҳбари марказ қурилишида рельефдан оқилона фойдаланиш, дунё шаҳарлари тақрибасини ўрганиш зарурлигини қайд этди. Уни барпо этишга хорижий инвесторлар, тақрибали лойиҳачи ва қурувчиларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди. Профессинал сервис компаниялари ташкил этиш орқали кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари ҳақида тақлифлар билдирилди. Ушбу тизимни жорий мавсумдаёқ татбиқ этиш, ҳар бир уйнинг эгасини топиб, уларга имтиёзлар бериш зарурлиги таъкидланди. Инновацион, илмий ва ташкилий ишлари бirlaштириб, баравар олиб бoрилмаса, бу соҳа эскича ҳолда қолаверади. Сифат бўлиши учун коммунал хизматлар хусусий корхоналар томонидан амалга оширилиши, тўлов барқарорлигини таъминлаш, ҳисоб-китобни жойига қўйиш орқали вазият ўзгаради, одамлар розилигига эришилади, дейилди.

Мазкур вазиятда биз четдан томоша қилиб турмай, ўз ташаббусларимиз билан ислохотларда бевосита иштирок этишимиз зарур. Асосийси, ҳар бир йўналишда электротизимиз, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш лозим. Коммунал хизматлар учун тўловларда барқарорликни ҳамда шаффофликни таъминлаш муҳим саналади. Бу борада аҳоли истакларини ўрганган ҳолда ўз тақлифларимизни илгари суришимиз талаб этилади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Нажот НИЁЗОВ,

Юнусобод туманидаги «Юртобод» МФЙ
раиси, Ўзбекистон ХДП фаоли:

— Президентимизнинг халқ билан яқин бўлиши, доимий равишда аҳоли вакиллари билан ўтказилаётган учрашувлар фақат ва фақат яхшиликка, тараққиётга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари туманимизга ташрифи чоғида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Худудни иқтисодий ривожлантириш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, халқимиз манфаатига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Масалан, жорий йил 5 октябрда Собик «Лок-бўёк» заводи ўрнида «Амилов» фабрикаси ишга туширилди. Унинг майдони 32 гектар бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари, ишлаб чиқариш ускуналари учун қарийб 80 миллион доллар сарфланди. Хориждан технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 850 га яқин иш ўрни яратилди.

Ушбу рақамлар айтилганда жўн туйилиши мумкин. Лекин 850 кишининг бандлигини таъминлаш катта иш. Демак, шунча одамнинг рўзгорига барака кирди. Уларнинг аксарияти электротизимиз вакиллари эканини ҳисобга олсак, масаланинг қанчалар муҳимлигини англаш қийин эмас. Тез орада корхона иши ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ортса, ишчилар даромади кўпаяди, янги иш ўринларига эҳтиёж сезилади. Бу каби ташаббусларни кўпайтириш, қўллаб-қувватлаш керак. Демак, маҳаллада тушунтириш, тарғибот ишларини кучайтириш, одамларда фаоллик, яратувчанликни шакллантириш биз-

Учрашувда Ўзбекистон ХДП фаоллари, депутатларимиз ҳам иштирок этди. Улар давлатимиз раҳбари томонидан Юнусобод тумани ва пойтахтимиз Тошкентни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида билдирилган тақлифлар, илгари сурилган вазифалар тўғрисида фикр юритишмоқда, ҳулосалар чиқариб олишмоқда.

Дилмурод САЙДАМОВ,

Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар
коллежи директори, халқ депутатлари
туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП
гуруҳи аъзоси:

— Таълим-тарбия, ёшлар масаласи ҳамиша долзарб ва муҳим вазифа саналади. Бу тизимни ривожлантириш, доимий равишда ислох қилиб боришни талаб этади. Қуни кеча Президентимиз туманимизга ташриф буюганида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратди. Йигит-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарли қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, билан боғлиқ долзарб масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди. Ёшлар марказини қуриш борасида топшириқ берилди.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқувчилар ўртасида назоратни кучайтириш мақсадида ҳар пайшанба ИИБ ходимлари билан биргаликда профилактика ишлари олиб бoрилмоқда. Жиноятга мойиллиги бор ўқувчилар бўш вақтини фойдали ўтказиш учун улар турли тўғаракларга жалб қилинган. Ота-оналари, маҳалла фаоллари билан яхши алоқа ўрнатишга ҳаракат қилинмоқда.

Битирувчилар бандлигини таъминлаш ҳамиша энг долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Бу борада


Президентимиз билдирган
фикрлардан кўринияптики, одамларга
уй-joy керак, иш керак, обод маҳалла
керак, оила ва юрт тинчлиги керак.

Ёшларгаучи? Аввало эътибор керак,
шароит керак, биз бунга масъулмиз.

ҳам муайян ишлар йўлга қўйилган. Масалан, муассасамиздаги ҳар бир битирувчининг йўналиши ва қизиқшини ҳисобга олган ҳолда, корхоналар билан 4 томонлама шартнома тузилган. Шу асосда амалиёт ўташ ва келажакда ўша жойда ишлаши режалаштирилган. Шаҳар, туман бандликка қўмаклашиш марказларида ҳар ойда меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда. Ҳар бир битирувчи ўқувчиларнинг иштирок этиши таъминланмоқда. Келгусида ҳам бу йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш, бандликни таъминлаш масаласига замонавий ёндашув асосида ечим топиш талаб этилади. Ўйлайманки, жамоамиз билан ҳамфикрликда, бирдамликда камчиликлари бартараф этиб, зиммаларимиздаги масъулиятни бажарамиз. Президентимиз таъкидлаганидек, пойтахт барчага намуна кўрсата олиш даражасига етади. Хусусан, ёшлар таълими ва тарбияси масаласида ҳам.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ЙИГИЛИШИ



олиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Иссиқлик таъминоти тизимидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича тақлифларимиз қандай? Кўп ҳолда қўй-joy фонди, ижтимоий ва бошқа об'ектлар учун марказлаштирилмаган, энергия самардорлиги юқори бўлган қозонхоналар қуриш, хонадонларга алоҳида ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш орқали соҳани ривожлантириш механизминини яратиш талаб этилади. Маънан эскирган, тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини, ишдан чиққан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация ҳамда реконструкция қилиш аниқ белгиланиши керак.

Шунингдек, энергия ресурслари истеъмоли ва ишлаб чиқарилишини мезёр бўйича ҳисоблашни

амалда қўллаш, иссиқлик таъминоти хизматларини ҳисоблаш ва тўловларни амалга оширишга автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш зарур. Умуман, иссиқлик таъминоти тизимини ислох қилиш бўйича бир қанча тақлифларимиз бор.

Йиғилишда иссиқлик таъминоти нархларининг барқарорлигини таъминлаш, хизмат ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш механизмининг шаффофлигига эришиш муҳим масала экани таъкидланди. Фракция аъзолари соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш билан боғлиқ тахлилларни чуқурлаштириш, бу борадаги тақлифларни умумлаштириш ҳақида келишиб олди.

Зилола АНВАРОВА

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН

ҳуқуқий асос яратиш керак

Коммунал соҳа ҳақида гап кетганда, энг кўп муаммо иссиқлик таъминоти тизимига бoриб тақалади. Бу тармоқдаги муаммоларнинг ечим топиши долзарб масаладир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракция йиғилишида шу мавзу муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, партия фракцияси аъзоларининг жойлардаги учрашувлари чоғида аҳолидан иссиқлик таъминоти масаласида кўллаб мувожаатлар бўлмоқда. Депутатлар томонидан қонун ҳужжатларининг инвентаризацияси ўтказилганда иссиқлик таъминоти соҳасини тартибга солувчи қонуний асос мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунингдек, тизимга уланиш шартлари, иссиқлик ташувчиға талабларини белгилаш масалалари ҳуқуқий тартибга солинмагани таъкидланди.

Акмал УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда фаолият юритаётган 4 мингдан зиёд хусусий уй-joy мулкдорлари ширкати 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатмоқда. Аммо коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ичимлик суви, иссиқлик, газ таъминоти, оқова сувлар ва ободончилик каби соҳалари алоҳида қабул қилинган қонун билан тартибга солинмаган. Бу борадаги фаолият ҳукумат қарорлари асосида амалга оширилади. Фикримизча, ушбу соҳада самарали иш юритиш иқтисодий механизмларни жорий этиш билан узвий боғлиқдир.

Тўғри, кейинги йилларда иссиқлик таъминоти бўйича бир қатор дастурлар самарали фао-

лият олиб бoрмоқда. Бироқ бaрибир тизимда кўллаб камчиликлар кўзга ташланмоқда. Тизим аҳоли эҳтиёжларини қондира олмаяпти, қатор шаҳарларда иссиқлик манбалари самарали фаолият кўрсатмайдди, таъмирталаб жойлар ҳам оз эмас.

Қозонхона ускуналари ва тармоқларнинг ўта эскиргани сабаб иссиқлик таъминоти тизими манбаларидан мақбул даражада фойдаланишни имкони бўлмапти. Бу эса корхоналар фаолиятига, истеъмолчиларни иссиқлик билан таъминлаш сифатиға салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан узилган айрим кўп хонадонли уйлар кўпинча сертификатга эга бўлмаган ва ёнғин хавфсизлиги кафолатланмаган газ ҳамда электр ускуналари билан иситилмоқда.

Масала қонунан тартибга солинмас экан, унинг идизига етиб бoриш қийин бўлади. Халқаро тақрибадан келиб чиқиб, иссиқлик таъминоти тўғрисидаги қонун лойиҳасининг концепциясини тайёрлаш вақти келди, деб ҳисоблайман. Унда иссиқлик таъминотининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаш, соҳада давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини назарда тутиш зарур.

Соҳаға оид қонун қабул қилиниши шаҳарлар ва туман марказларида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан яхшилаш, аҳоли учун ижтимоий-маиший қўлай шароитлар яратишға хизмат қилиши керак. «Қонун қабул қилинса, олам гулистон бўлади», дейиш мантиқсизлик.

Боймурод ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши бўлим мудири:

— Партияимизнинг сайловолди дастурида табиий монополия субъектлари томонидан аҳолиға коммунал хизматлар кўрсатиш шакллари ривожлантириш, хизматлар нархлари ва тарифларини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш масалалари белгиланган. Ўрганишлар иссиқлик таъминоти тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлганини кўрсатти. Қонун лойиҳасида жамоатчилик ва парламент назорати каби йўналишларни эътиборга

ЎзХДП ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кун муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маданий-маърифий тадбирлар, турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказди.

Она тили — миллат кўзгуси

Шундай тадбирлардан бири Ангрен туманидаги 28-мактабда бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбатида депутатлар, адабиёт ва санъат вакиллари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нилуфар Юлдашева сўзга чиқиб, ўзбек тилиға давлат тили мақоми бeрилиши билан боғлиқ тарихий воқеалар хусусида сўз юритди.

— Кўча-кўйда юрганимизда йигит-қизларнинг суҳбатлари қулоққа чалинади, — деди Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Мўминова. — Очиғи, уларнинг орасида ўз она тилиға бошқа тилдаги сўзларни аралаштириб гапирётганларни кўриб, хафа бўлиб кетаман. Барчамиз фарзандимиз илми, зуқко бўлишини истаймиз, чет тилларини мукаммал билишини ният қиламиз, шунга алоҳида эътибор қаратамиз. Бироқ ҳар бир бола энг аввал ўз она тилини мукаммал билиши, ўрганиши лозим, деб ўйлайман. Ота-она эса боласига она тилимизни ҳурмат қилишни ўргатса, нур устиға нур бўларди. Шу ўринда ибрат тариқасида бир ҳаётий ҳикояни айтиб бермоқчиман. Орамизда Расул Ҳамзатовни танитмаган, исмини эшитмаган инсон бўлмас керак. Машҳур шоирнинг Францияға иждодий сафарға йўл олишини эшитган ҳамқишлоқ онахон «меннинг ўғлим ҳам Францияда яшайди, унга салом айт», деб илтимос қилибди. Орадан анча вақт ўтиб, онахон шоирни йўқлаб бoрибди ва биринчи берган саволи шундай бўлибди: «Менинг ўғлим сен билан овар тилида гаплашадими? Онаға ёлгон сўзламайдиган Ҳамзатов бу саволға «У мен билан француз тилида суҳбатлашди», деб жавоб қайтарди. Шундан кейин она қора либосини кийиб, «Дўстлар, мендан кўнгли сўранг. Ўғлим она тилини унуттибди. Фарзандим ўлибди», деб аза тутишға чоғланибди. Хулоса шуки, ўз она тилини унутган инсон маънан ўлади.

Тадбир давомида «Бир болаға — бир китоб» акцияси доирасида ўқувчиларға сеvimли ёзувчи ва шоирларнинг асарлари совға қилинди.

Мактаб ўқувчилари тақдим этган саҳна кўришлари тадбирға байрамона кайфият улашди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Фермернинг ҳам, теримчиларнинг ҳам кайфияти баланд

Далалардаги лўппи-лўппи пахталарни кўриб дилинг йирайди. Қўл чўзасанда, теримға қандай киришиб кетганиниг билмай қолсан. Биз ҳам ана шу завқни туйиш, фермерларимизға ҳосилни увол қилмасдан, ёгин-сочини қуяларға қолдирмай териб олишда қўмаклашишға ошқидик.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши вакиллари, маданият ходимлари, ёзувчи-шоирлардан ташкил толган гуруҳ пахта далалариға бoриб, теримчиларнинг кайфиятини кўтармоқда. Ранг-баранг маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Бу галги манзилимиз Шуманай туманидаги «Дийқанабад» овул фуқаролар йиғини бўлди. Худудда 54 фермер ҳўжалиги бўлиб, улар 927 гектар майдонда пахта ҳосилини етиштирди. Айни вақтда ҳосилни йиғиб-териб олиш мақсадида ҳар бири 60-70 кишидан иборат 16 отряд ташкил этилган. Улар билан учрашувимиз айни тушлик вақтиға тўғри келди.

— Далалардаги оппоқ пахтани кўриб, кўзинг қувайди, — дейди Ўзбекистон бадийи жамоалар бирлашмаси Қорақалпоғистон бўлими ходими Гавҳар Сантова. — Теримчиларнинг шашти баландлиги мени қувонтирди. Намуна кўрсатаётган пахтакорларға ташкилотчилар томонидан совғалар топширилгани уларни янада хурсанд қилди.

— Вақтинча ишсиз бўлган электротат вакиллари пахта теримига кўпроқ жалб қилишға алоҳида эътибор беряймиз, — дейди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси ўринбосари Нукусбай Ганиев. — Тарғибот-ташвиқот ишлари яхши самара бeрапти.

Кейинги манзилимиз Қонлиқўл тумани «Бескупир» овул фуқаролар йиғини бўлди. Худуддаги «Бескупир голд» фермер ҳўжалиги 23 гектар ердан 48 тонна пахта етиштиришни режалаштирган экан.

— Тўғриси, ҳар йили теримчи етишмаслигидан қийналардик, — дейди ҳўжалик раҳбари Ермаганбет Утамбетов. — Кўпчилик пахта камайгани учун биринчи теримдан сўнг далаға қиқишни истамасди. Бу йил яхши, чунки далада пахта камайгани сари терилган пахта учун ҳақ ошяпти. Шунинг учун бу йил йиғим-терим қўнғилдагидек ўяпти, дея олам.

— Тушлик вақтида сара қўшиқлардан қуйладик, — дейди Ўзбекистон бадийи жамоалар бирлашмаси Қорақалпоғистон бўлими ходими Мирзагул Тoleгенова. — Ердამчилар хордик чиқаришда маддакор бўлганимиздан хурсандимиз. Очиғи, бугунги учрашувдан ўзимизнинг ҳам кайфиятимиз кўтарилди.

Қорақалпоғистон Республикасида тарғибот тадбирлари бошқа туманларда ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Азиз САНЖАР: АМЕРИКАГА ЎЗИМ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОФИНИ ОЛИБ КЕТАМАН



Азиз САНЖАР:

— Мен нафақат туркиялик, балки ўзбекистонликман. Бу табаррук тупроқ бизнинг ҳам ватанимиз. Яратганга шукрки, қардошларимни кўрдим. Менга берилган Нобель мукофоти бутун туркий халқларникидир. 2015 йилда ушбу юсак мукофотга сазовор бўлганимдан кейин мени дунёнинг турли давлатларига таклиф этиш бошланганди. Вақтни ҳисобга олиб, кўп чорловларни рад этишимга тўғри келди. Лекин Ўзбекистоннинг давлатини бош устига қабул этдим. Бу бурчим! Ўзбекистонга ҳеч қандай моддий манфаатларсиз, соғинч билан келдим. Бу ота Ватан олдидаги қарзим! Энг асосийси, ўзбек ёшларини илмга руҳлантириш учун йўлга отландим. Мен турк дунёси ёшлари Нобель мукофотини ўз Ватанларида олишларини хоҳлайман.

Америкага ўзим билан Ўзбекистон байроғини олиб кетаман. У ердаги Турк уйида Озарбайжон, Туркменистон, Туркия байроқлари бор эди. Энди Ўзбекистон байроғи ҳам бўлади. Мен ўзбек ёшларини қардошларимиз учун қурилган марказда, Америкада кутаман. Турк уйида нафақат Туркия балки Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон каби қардош халқлар маданиятини тарғиб қиламиз. Тарихда туркий халқлар жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Бугунги кунда ҳам туркий давлатлар вакиллари илм-фан соҳасида эришаётган ютуқлари салмоқли. Ал-Хоразмий математика фани асосчиси ҳисобланади. Бундан унинг авлодлари бўлган Ўзбекистон ёшлари фахрланишлари керак. Истардимки, барча туркий халқлар ёшлари бирлашиб, жаҳон илм-фанида ўз ўринларига эга бўлишлари лозим.

Нобель мукофотида номзодлар ичида турк олимнинг борлиги кўпчиликини хайратлантирган эди. Америкада жуда кўп қардошларимиз қатори ўзбек олимлари, талабалари ҳам бор. Улар эришаётган ютуқлар барчамизни қувонтиради. Такдир тақозиси билан туркий халқлардан етишиб чиққан кўп олимлар Америка ва Европа давлатларида яшаб, илм билан шуғулланиб келмоқда. Катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Давоми. Бошланғич 1-бепда.

Бундай илмий кашфиётлар энди Туркияда, Ўзбекистонда яъни киндик қонимиз томган, она Ватанимизда яратилиши керак. Гуманитар фанлар ҳам муҳим ҳисобланади, лекин дунё илм-фанида обрў эътиборга эришиш учун биринчи навбатда фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланиш лозим. Жаҳондаги турк олимлари бирлаша, ҳамкорлик қилса бизнинг олдимизга ҳеч ким тушолмайди.

Туркияда Азиз Санжарнинг хизматларига юқори баҳо берилади. Президент Режеп Таййип Эрдоғоннинг топшириғи билан ўзи туғилиб ўсган тумандаги мактабга, Анадолудаги лицейга, Мардумдаги фан ва санъат мактабига Азиз Санжар номи берилган.

Умрим давомида турк олами маданиятини, эзгу анъаналарини дунёга танитишга ҳаракат қилиб келаямиз. Олдин кўп ҳам эътибор беришмас эди. Энди бу фикрларни Нобель мукофоти лауреати сифатида илгари сураётганим учун ҳамма мени жон қўлоғи билан эшитишди. Бундан жуда бахтиёрман. Ўзбекистонлик ёшларга омад тилайман ва Оллоҳ сизлардан рози бўлсин. Мени Тошкентга таклиф этиб, ҳурмат билдирганингиз учун чексиз фахрланаман. Ҳаммаларингизга миннатдорлигимни билдираман!

Авазжон МАРАҲИМОВ:

— Азиз Санжар бутун турк дунёсининг фахру ифтихори. Биз унинг ҳаёти ва фаолияти мисолида инсон тафаккури нималарга қодир эканлигини кўриб турибмиз. Бугун университетимизда жуда катта байрам. Илм-фан байрами, қардошлар шодиёнаси. Талабаларимиз учун Нобель мукофоти лауреати билан учрашиш, унинг нутиқдан баҳраманд бўлиш айёми.

Биз Азиз Санжар жанобларига ўз миннатдорчилигини мизини билдирамиз. Бизнинг тақдиримизни қабул қилгани, самимий тилаклари, халқимизга, Ватанимизга бўлган чексиз ҳурмати учун. Университетимиз билан Азиз Санжар ўртасида боғланган ҳамкорлик алоқалари



бардавом бўлишини истаймиз.

Азиз Санжар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислотларга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг илм-фанга кўрсатаётган эътиборига жуда юсак баҳо берди. Бундан кейин у ЎЗМУ профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боришга розилик билдирди.

Ахмет Башар ШЕН, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва муқорат элчиси:

— Азиз Санжар фермер ота-она оиласида 8 фарзанднинг иккинчиси бўлиб дунёга келган. У дастлаб мактабда ўқиш имконини топа олмайди. Кейинчалик бошланғич ва ўрта таълимни Туркиянинг қадим ва

билан Туркияни бир цивилизациянинг вакили дея таъкидлаб келамиз? Нима учун Ўзбекистонга интиламиз? Чунки, Ўзбекистон бизнинг ота юртимиз! Бутун Азиз Санжарнинг ютуғи Ўзбекистон учун бегона эмас. Аксинча Ўзбекистон жойлашган замин асарлар давомида дунёга илм нулларини сочган, юсак маданият вакиллари, тиб илми асосчиларини етиштирган муқаддас маскандир. XIII асрда буюк математик олим Хоразмий ноль тушунчасини ҳиндлардан олиб, жадвал тизимига қўшган, қандай ишлатилишини белгиланган ва замонавий математика тизимига асос солган. Фарб мамлакатларида XVI асрда, Шарқ мамлакатларида XIX асрда қадар ўрганилган «Тиб қонуни» муаллифи Ибн Сино X-XI асрда бу заминда яшаб, тиббиёт соҳасида катта муваффақиятларга эришган. Фалсафа, астрономия ва бошқа фанларга бағишланган 100 дан ортиқ асар ёзган. Шарқ ва Фарб тиббиётида унинг асарлари том маънода 600 йил ҳукмронлик қилган.

Машҳур ҳинд тарихчиси Жорж Сантос томонидан дунёнинг энг буюк олимларидан бири, деб эътироф этилган Беруний ўз даврида биринчи бўлиб, Ернинг шар шаклидалигини ва у қуёш атрофида айланиши ҳолатини илгари сурган, кейинроқ Ер радиусини ақлбавар қилмас аниқликда ўлчаган. Глобусни яратган.

Амир Темурнинг невараси Улуғбек Самарқандда қурдирган мадраса ва расадхона илм тарихида биринчи бўлган. Шарқда ва Фарбда кўп йиллар давомида унинг бебаҳо асарларига мурожаат этилган. Тарихимиз бўйича Туркистон заминиде етишиб чиққан олимлардан яна ўнлаб мисоллар келтирса бўлади. Улар бизга гурур бағишлайди, албатта. Лекин баъзи ҳақиқатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Афсуски бугунги кунда илм-фан ва технологиялар соҳасида юқорида номлари келтирилган аждодларимиз сингари натижаларга эриша олганимиз йўқ. Бу мавқега етиш учун азму шижоат билан жуда кўп меҳнат қилишимиз лозим. Бу борада барчамизга Азиз Санжар ибратдир.

Али Эҳсон ЧАҒЛАР, ТИКАнинг Ўзбекистондаги вазокатхонаси раҳбари:
— Тарих йўналишида докторантурада ўқиб юрган пайтида ЎзРФА Шарқшунослик институтиде ишлаганман. У

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети, журналистика факультети 4-курс талабаси, Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Нима учун доимо Ўзбекистон

ерда Хоразмий, Ибн Сино, Берунийнинг тиб, кимё, математика, астрономияга оид асарларини ўрганганман. Ўша вақтда ушбу ноёб асарларни ўрганадиган, татбиқ этадиган, аждодларимиз изланишларини давом эттирадиган ёшлар камлигидан хайратланардим. Бу борада устозларим Асомиддин Уринбоев, Ҳомиджон Ислохий, Хунан Кемирий билан даррлашардим. Худого шукр бугун улўғ боболаримизнинг издоши бўлган, туркий дунёнинг фахру ифтихори Азиз Санжар ёнимизда. Биз учун бундан катта фахр йўқ, деб ўйлайман. Сўхбатларимиздан бирида қандай қилиб туркий халқларни бирлаштириш ва турк олами давлатларини энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш мумкин, деган масалага тўхталдик. Азиз Санжар шунда мен кимдандир ақл кўпроқ ёки кам деган тушунчага ишонмайман. Лекин асосий фарқи мекнат қилишда, деб биламан. Шунинг учун жуда кўп ишлашимиз лозим, деб жавоб берди. Мана шу фикр Ўзбекистонлик ёшларга Азиз Санжарнинг энг катта масалага бўлади, деб ўйлайман. Эркин фикр, эркин ақл, эркин ўйлаш билан кўп ишлаш. Тарихда ҳам боболаримиз мазкур тамойилларга амал қилиб, юқори мавқега эришган.

Туркларнинг бир мақоли бор. «Одамга келадиган эътиқод уни маърифати билан боғлиқ». Агар одам илм йўлида ҳеч нарса кутмасдан, самимий, чин дилдан ишласа, бу кейинчалик ўзига катта куч бўлиб қайтиб келадими...

Ташриф давомида Азиз Санжар бакалаврият, магистратура, докторантурада тахсил олувчиларга «ДНК-нинг тикланиши, саратон ва кимёвий даволаш» мавзусида онлайн маъруза ўқиди. Шунингдек, олим ЎЗМУнинг Тармоқлараро молекуляр биология лабораториясининг очилиш маросимида иштирок этди. Урганч, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни зиёрат қилди.

Хулоса ўрнида яна Азиз Санжарнинг «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган интервьюсидан ушбу ўринларни келтирамиз: «Ўзбекистонда яқин йиллар ичида илм-фанининг бекиёс ривожланишига, бу ердан дунёга доврўқ соладиган олимлар етишиб чиқишига ишонаман...».

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети, журналистика факультети 4-курс талабаси, Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАРДАГИ ҚУЙДАГИ
ВОКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича:
профессор-1, доцент-1, ассистент-1

Органик ва биологик кимё кафедраси бўйича:
доцент-1, катта ўқитувчи-1, ассистент-1

Дори воситалари саноат технологияси кафедраси бўйича:
доцент-1, катта ўқитувчи-1

Дори воситаларини стандартлаш ва сифат менеджменти кафедраси: доцент-1, ассистент-1
Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва технология кафедраси: доцент-1, катта ўқитувчи-1

Фармакогнозия ва дори воситалари стандартлаш кафедраси: доцент-1

Тиббий ва биологик фанлар кафедраси бўйича: доцент-1

Дори турлари технологияси кафедраси бўйича:
катта ўқитувчи-1, ассистент-1

Фармацевтик кимё кафедраси бўйича:
катта ўқитувчи-1

Аналитик кимё кафедраси бўйича: ассистент-1

Токсикологик кимё кафедраси бўйича: ассистент-1

Тиллар кафедраси бўйича: ўқитувчи -1

Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича: ўқитувчи -1

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига мувофиқ «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади

Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефонлар: (8371) 256-37-38, 256-38-50.



QISHLOQQURILISHBANK

AVTOKREDIT



ISTE'MOL KREDITLARI

MIKROQARZ

Tez va qulay!

Ma'lumot uchun:

(+998 71) 150-93-39.

WWW.QQB.UZ

Xizmatlar litsenzialangan

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1038. 6724 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'za yakuni — 22:20.

Topshirilgan vaqti — 01:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahiflovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон савдасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6